

Воқеа сабаблари ўрганиб чиқилганда, технологик жараёнларнинг бузилаётгани, айрим ҳолларда эса ишчиларнинг билим савиясини кўтаришга бағишланган техник маш-гулотларни ўтказишда юзакиликка йўл қўйилаётгани ошкор бўлди.



Этироф этиш кераки, газета ва ўқувчилар ўртасида мулоқот кун сайин кучаймоқда. Жорий йилнинг 9 ойи давомида тахририятимизга келган хатлар сони қарийб 900 тани ташкил этиши ҳам фикримизни тасдиқлайди. Уларнинг 90 фоиздан ошиғи газета юзини кўрганлиги эса нашримизнинг омма фикрини ифодалаши, ўқишли бўлиши, мазмун-мундарижаси кенгайишини таъминлади.



Авлодимизнинг барчаси, раҳматли отам ҳам хокипой эмас, хокисор одамлар ўтишган. Кибр фақат Яратганга ярашади.

Insonga naf keltirish - oliy baxt

Ishonch

Эзгуликнинг ҳадисини олган одам уни унутиб қўйиши мумкин эмас. СЕНЕКА

2008-yil 11-oktabr, shanba №125 (2538)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Ҳамкорликни мустақкамлаш йўлида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 9-10 октябр кунлари Бишкек шаҳрида бўлиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши ва Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕврАзЭС) Давлатлараро кенгашининг мажлисларида ҳамда Марказий Осиё давлат раҳбарларининг учрашувида иштирок этди

Бишкекда 10 октябр куни МДХ саммити бўлиб ўтди. Учрашув кун тартибидagi асосий масала келажакда Ҳамдўстликни иқтисодий ривожлантириш стратегияси бўлди. Ушбу ҳужжат МДХга аъзо ҳар бир мамлакатнинг ривожланиш даражасини, салоҳият ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, узоқ муддатли иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва иқтисодий интеграция жараёнларини фаоллаштиришни кўзда тутди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур стратегия МДХда иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалалари устувор ўрин тутиб бораётганидан далолат беради. Кузатувчи ва таҳлилчиларнинг фикрича, ҳамдўстлик доирасида қабул қилинган ҳужжатлар орасида қозғола қилиб кетганлари ҳам йўқ эмас. Бишкекда стратегиянинг муҳокама қилиниши аъзо давлатлар МДХнинг иқтисодий салоҳиятини тўла ишга солиш учун амалий қадамлар қўяётганини англатади.

Ўзбекистон Президенти МДХни ривожлантиришда «аввал иқтисод, кейин сиёсат» тамойилига асосан иш юритиш зарурлигини аввалдан таъкидлаб келади. Зеро, давлатлараро муносабатлар биринчи навбатда иқтисодий ҳамкорликка асосланиши зарур.

Саммитда Ҳамдўстликни ислоҳ қилиш, унинг органлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. МДХ маконида тарихан қарор топган иқтисодий ва гуманитар алоқаларни ҳар бир аъзо давлат учун манфаатли асосда сақлаш, ривожлантириш ва замон талаблари асосида қайта кўриб чиқиш зарур. Бундай алоқаларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Дейлик, бир мамлакатнинг чекка ҳудуди электр энергиясини қўшни давлатдан олади. Бир давлат хомашё ё яримтайёр маҳсулот экспорт қилади, бошқаси уни қайта ишлайди. Баъзан бир соҳанинг ўзида экспорт ва импорт аралаш бўлади. Мисол учун, Ўзбекистон қурилиш материалларини экспорт қилади, айни вақтда қурилиш учун зарур ёғочнинг муайян қисмини четдан келтиради.

Гуманитар соҳада ҳам МДХ мамлакатлари ўртасида кўп томонлама фойдали алоқаларни ривожлантириш зарур. Таълим, маданият ва санъат, соғлиқни сақлаш, спорт, илмий тадқиқотлар маданиятни бойитишга, илм-фанни ривожлантиришга, халқлар ўртасидаги дўстона муносабатларни мустақкамлашга хизмат қилади.

Президентлар МДХнинг Душанбе саммитида қабул қилинган қарорлар, 2008 йилнинг транспорт муаммоларини ҳал этиш йили деб эълон қилингани муносабати билан ишлаб чиқилган дастурлар ижросининг боришини муҳокама қилдилар. МДХни ривожлантириш концепциясини ҳаётга татбиқ этиш режасининг бажарилиши таҳлил қилинди. Давлат раҳбарлари Ҳамдўстлик Ижроия қўмитасининг МДХ тузилмалари билан бошқа минтақавий ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликка доир ахбороти билан танишдилар.

Саммитда хавфсизликни мустақкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, халқаро молиявий инқироз, ушбу бўҳрон келтириши мумкин бўлган салбий оқибатларни бартараф этиш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди. Молия вазирлари раҳбарлигида ишчи гуруҳи тузишга келишиб олинди. Музокара якунида МДХни иқтисодий ривожлантириш стратегиясини қабул қилиш тўғрисидаги қарор ҳамда Ҳамдўстлик фаолиятига, қатор соҳаларда кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга оид ҳужжатлар имзоланди. МДХга раислик Молдова Республикасига ўтди.


ЕврАзЭС Давлатлараро кенгашининг мажлисида асосий эътибор Божхона иттифоқини тузиш ишларини якунига етказиш масаласига қаратилди. Ҳамжамият доирасида бу жараён давом этмоқда.

Президентлар транспорт коммуникациялари ва транзитдан унумли фойдаланиш масалаларини кўриб чиқдилар. Агросаноат мажмуида ҳамкорлик, Ҳамжамиятни иқтисодий ривожлантиришининг устувор йўналишлари юзасидан фикр алмашилди.

Ҳамжамият ижтимоий соҳадаги алоқаларни ривожлантиришга ҳам хизмат қилмоқда. 2007 йили Евроосиё ўйинлари ташкил қилиниб, унда 1,5 миңдан зиёд йигит-қиз катнашди. 2009 йилда Евроосиё халқлари маданияти фестивалини ўтказишга тайёрлик кўриломоқда. Саммитда Президентлар гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Мажлисида қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Шундан сўнг Марказий Осиё мамлакатлари давлат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Музокарада сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Анвар БОБОВЕВ, Уза махсус мухбири, Тошкент - Бишкек - Тошкент.



«Ўзбекқўмир» очиқ акциядорлик жамиятида «Ешлар йили» давлат дастурини бажариш борасида амалга оширилаётган ишлар эътиборга сазовор. Қорхона маъмурияти ва бирлашган қасаба уюшмалари қўмитасининг яқин ҳамкорлиги яхши самара бераёпти. 58 нафар ешлар истиқомат қиладиган ётоқхонада маиший шарт-шароитлар яратилиб, уларнинг ишга қатнаши учун 2 та автобус ажратилган. Айниқса, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда. Жумладан, жамият филиалларидаги 200 та ёш оилага моддий кўмак кўрсатилмоқда. Шунингдек, жорий йилда 5 нафар талабанинг контракт тўловлари бир қисми тўланиши йўлга қўйилди. Иқтидорли талабалар учун устама стипендиялар таъсис этиш белгиланди. Ўқув йили бошланишида эса буювчисини йўқотган 75 та оила фарзандларига ўқув қуроллари олиб берилди. Еш мутахассислардан 24 нафарининг апрел ва август ойларида Самарқанд ҳамда Бухоро шаҳарларига саёҳати ташкил этилди. Бундан ташқари, 45 нафар ешларга соғлигини тиклаш учун дам олиш масканларига йўланмалар берилди. Етти мавсудда ишчи-ҳодимларнинг 930 нафар фарзандли маъмурияти ва қасаба уюшма хомийлигида «Коинот» оромгоҳида дам олдирилди.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

«Томорқа нега қаровсиз?» мақоласини ўқиб...

Ёшим саксондан ошди. Кўзим хиралашиб қолган. Лекин газета-лардаги янгиликларга жуда кизиқман. Яқинда набирам Акбаржон «Ишонч» газетасида босилган «Томорқа нега қаровсиз?» мақоласини ўқиб бергач, анча уйга толдим. Мирзачўллик дўстимиз Баҳром хожи Яхёев жонқуярлик билан фикр юритган.

Шу хусусда мен ҳам айрим мулоҳазаларимни айтишга жазм қилдим. Чунки ҳаётим деҳқончилик билан ўтган. Энг оғир, ҳатто очарчилик йилларида ҳам бизни омон қолдирган мана шу ер бўлган. Мен ҳозир қачатчилик, уруш йилларидаги озик-овқат ёки ноннинг қадри ҳақида гапириб ўтирмоқчи эмасман. Лекин ундан кўз юмиб ҳам бўлмайди.

Бугун Юртбошимизнинг қишлоқ ахлига гамжўрлиги, берилаётган имкониятларни кўриб беҳад хурсанд бўлман. Сир эмас, сув танқис йилларида ҳам биринчи навбатда томорқаларга сув берилаётти. Қишлоқларда минерал ўғит сотиш дўконлари мавжуд. Зарурат тузилганда мутасаддилар экан ва дархатларни касалик ҳамда зараркунчаларга қарши до-рилла беришади. Серхосил кўчатла-

ру қафолатли уруғликларни айтмай-сизми?! Меъёрдаги томорқани обод қилиш учун яна нима керак? Фақат

Ернинг қалми — меҳнатга

ҳалол меҳнат қилинса, бас. Мен ўзим қишлоқда яшайман. Вақтида яратган боғларим, ўзлаштирган ерларимда ҳозир фермерлар фаолият юритишяпти. Насиб этсин. Биоза савоби келиб турибди... Ўн сотихдан ортик томорқамиз бор. Шу жумладан, 3 сотихлик иссиқхонага ҳам эгамиз. У ерга помидор, бодиринг, кўчатлар етиштирамиз. Ўғлим Шай-


дулло, келиним Норгул ва 3 нафар набирам қўли бўшади дегунча томорқа юмушлари билан банд бўлади. Ерими-зимнинг яна бир сотихини анорзор, қолганини энг сара мевали дархатлар, узум-зор, картошка, сабзавот экинлари эгаллаган.

Ёлгон гапирмайман. Томорқамиз маҳсулотлари оиламизга етиб ортади. Қолган қисмини бозорга чиқариб со-

дек, ён-атрофимизда томорқани ўз ҳолига ташлаб қўйиб, рўзгорини қийин ахлоқга солаётган оилалар ҳам оз эмас. Қишлоқда яшаб сабзи, пиёз, картошка ва бошқа сабзавотлар ҳа-риди учун бозорга қатнаётганлар оз эмас. Ховлисиди мевали дархати, ҳатто бир жуфт токи бўлмаганлар ҳам учрайди. Ризқ-рўз инъом этадиган ер-нинг умри бекорга ўтиб бораётганидан ачиниб кетасан киши. Ахир, ишқамаслик, данга-салик ҳам шу даражага етдими?

Қиссасдан ҳисса шуки, ик-тиримизга топширилган туپроғи олтинга тенг томорқаларимиздан самарали фойдаланайлик. Ахир ернинг қалити қўлимизда-ку. Шундай экан, унинг кўнглига қўлақ тутиб, қўллаб-ноз-неъмат, ризқ-рўзимизни етиштирайлик. Токи, у рўзгоримиз бўлмига, турмушимиз фаровонлигига хизмат қилсин.

Ғайбулло бобо РУСТАМОВ, Ромитан туманидаги Атторон қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси



Мирзачўллик фажрий Баҳром хожи Яхёевнинг «Томорқа нега қаровсиз?» мақоласини оиламиз даврасида катта кизиқки билан ўқиб чиқдик. Дилдаги гаплар ёзилди.

Томорқа — кони фойда

Мирзачўлда икки ўғлим истиқомат қилади. Набираларимни соғинганимда уларникига йўл оламан. Тошкент-Термиз йўлини шундоққина биқинида жойлашган Сардоба туманига кираверидада хувиллаб ётган анчагина ташландиқ майдонга кўз тушиши ҳамона дилда ачиниш ҳиссини туясиз. Айтишларича, шу ерлар ҳам томорқага берилган экан. Сугориш тармоқлари шундоққина ёнидан ўтган бу ерларни аллақачон боғ-бўстонга айлантириш мумкин эди.

Энди ўзим истиқомат қилаётган хушманзара Бахмалнинг Оққўрғон қишлоғида томорқадан фойдаланиш аҳволига солиштирсам. Тўғри, иқлим шароити салқин бўлган бу тоғли ерлардан йилга икки-уч ҳосил олиш анча мушкул. Қолаверса, ажратилган томорқанинг ҳар бир қаричи ҳисобда. Экин майдонининг уват, қиялик жойларга олма, ариқ ёқаларига бўлса терак, тол, жий-да сингари дархатлар экиб, улардан йил сайин мўмай даромад олаётганлар кўплаб топилади.

Бундай жонқуярлар меҳнатидан қишлоғимиз ашиқликка бурканиб, файзли бўлиб бораётти. Ўз навбатида мамлакатимизда саноат теракчилигини ривожлантиришга ҳам муҳим ҳисса қўшиляпти.

Экин экиш мумкин бўлмаган пасттекислик жойларда ҳам кўзни қувонтирадиган ям-яшил олмазорлар бунёд этилмоқда. Қишлоғимизда ана шундай изланувчан, имкон топаётганлар сафи кўпайиб бораётганидан мамнунмиз. Мақолада алоҳида таъкидланганидек, «ерга меҳр қўйганинг ошиғи олчи». Ана шундай долзарб мавзунинг газетанда кўтариб чиқилгани айни мудоидир. Шу ўринда тақлифимиз — энди ушбу жабҳада мамлакатимизда тўпланган турли тажрибалар ўрқоқлашилса, янада яхши бўларди. Негаки, томорқа — чин маънода кони фойда.

Ўрозбой АЗИМОВ, Бахмал туманидаги Оққўрғон қишлоғида яшовчи нафақахўр, 75 ёшда

«Ishonch» газетасида чоп этилган «Томорқа нега қаровсиз?» мақоласини ўқиб хурсанд бўлдим. Мирзачўллик айни кўнглидаги гапларни ёзибди.

Ободлик кўнгулдан бошланади

Юртбошимиз Қашқадарёда ишланган-рида томорқа ҳўжалиқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратган эди-лар. Мустақилликнинг дастлабки йиллари-риданок шахсий, ёрдамчи ҳўжалиқларини йўлга қўйиш бўйича Президент Фармони, ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Кейинги уч-тўрт йил ичида вилоятимизда уттиз мингдан зиёд деҳқон хўжалиқлари тузилиб, ўн минг гектардан ортик ер томорқа учун ажратиб берилди.

Воҳада ўз томорқасини обод қилиб, оиласини деҳқончилик маҳсулотлари билан таъминлаб келаётган тадбиқкор кишилар кўп. Агросаноат ходимлари қасаба уюшмаси Шахрисабз туман кенгаши раиси Ғузор Маматов бозордан маҳсулот сотиб олмади. Рўзгори учун нима зарур бўлса, ўз ер участкасида етишти-ради.

Китоб туманидаги Гулгунпўшт қишлоғида яшовчи етмиш ёшчи қоралаган Имом ота Карвон томорқасидан бир мавсудда икки марта ҳосил олади. Эрта пишар картошка, қарами, помидор, бод-

ринг, редиска, сабзи, пиёз, мевали дар-рахатлардан мўл ҳосил етиштиришда кек-са деҳқоннинг олдиға тушадигани йўқ. Ҳар йили томорқанинг ўзидан 2—2,5 миллион сўм қўшимча даромад олади.

Қарши туманининг Қожор қишлоғи-да истиқомат қилувчи 66 ёшли Хумор ая Бекмуродовнинг ҳонадонидан 140

туپ хурмоси бор. Ҳар йили 3 тоннадан зиёд ҳосил етишти-ради. Бундай мисолларни кўплаб келти-риш мумкин.

Қарийб олти-миш йилдан бери деҳқончилик қиламан. Ёшим сак-сондан ошди. Элликдан ортик қувон-тарвуз навлари яратиб, халқ селекцио-нери деган номга сазовор бўлдим.

Томорқа — кони фойда. Аввало ўз ер участкасини обод қилган киши эл-юрт фаровонлиги учун жон қўйдиради. Келинг, томорқаларимизда рўзгор эhti-ёжи учун маҳсулот етиштирайлик, ор-тангани бозорларга олиб чиқайлик. Бун-дай яхши одатни фарзандларимизга ўргатайлик.

Ҳакимжон Усмонов, Нишон туманидаги Пахтаобод қишлоғида яшовчи нафақахўр, халқ селекционери

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

Бир пайтлар туман маданият ходимлари касаба уюшмаси кўмитасининг раиси бўлиб ишлаганим боис бу ташкилот фаолияти нақадар серкирра эканлигини яхши биламан.

Кўшни кўшнидан эрта турмоқни ўргангани, деган нақл бор. Эллиққалъа тумани таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вакиллари томонидан ҳар йили ўтказиладиган спартакиадага ҳавасим келади. Ана шу ҳавас туфайли «Давр кўзгуси» туман газетаси саврини учун энгил атлетика бўйича мусобақа ташкил қилдик. Бунда туман вакили Тўхтабой Раҳмоновнинг маслаҳат ва тавсияларини олдик.

Нуронийнинг гурунгини, маслаҳатларини олади, у кишидан эшитганларини элдошларига гапириб беради, ибрат олишга ундайди. Ҳисобда турган ногиронлар ҳам доим эътиборда.

Тўхтабой ака офисда ўтиришни унча ёқтирмайди. Ҳаёт билан ҳамнафас бўлишга, аъзолар билан учрашиб, уларнинг қувонч ва ташвишларини ич-ичидан ҳис қилишга ҳаракат қилади.

Жамоат ташкилоти фаолиятидаги қусур нималарда кўришиб қолиши мумкин? Ташаббусни бой бериб, изланмаслик, етакчининг бўшанглиги обрў-эътиборга путур етказиши, деб ҳисоблайди Булунғур туман бирлашган касаба уюшмалари кенгаши раиси Нарзулла Фозилов.

лар хонадони 10 тадан товуқ билан таъминланди. Бирлашманинг ўтган тўрт йиллик фаолиятига назар ташларканмиз, қатор юмушлар рисоладагидек адо этилганлигининг шохиди бўлди. Чунончи, 114 нафар ходим мамлакат си-

Спорт-соғломлаштириш, баркамол ворисларни тарбиялаш бурчага айланган. Режа асосида спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, кураш турлари бўйича беллашувлар ташкил этилди. Баҳс голибларини тақдирлаш учун жамоат ташкилоти ҳисобидан 2 миллион 700 минг сўм маблағ сарфланган. Тумандаги таълим даргоҳларида спортни жонлантриш, асбоб-анжомлар билан таъминлашга ҳисса қўшиляпти. Утган тўрт йилда 7,4 миллион сўмлик спорт анжомлари мактабларга тўхфа этилгани ҳам бунга тасдиқлади.

Сўнги тўрт йилда тармоқ ходимлари орасида меҳнатга дахлдор кўнгилсизликлар қайд этилмади. Туман халқ таълими бўлими ва касаба уюшма ўртасидаги келишувга мувофиқ барча муассасаларда меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлигига доир масалаларни ҳал этишда имкон топяпти. Жамоатчилик асосида хавфсизликка дахлдор ходим тайинланган. Бошқа мактабларда ҳам шу ишлар қилиняптими? Шароит, имкониятлар бир хил бўла туриб иш юритишда оқсашлар бор. Қачонгача олма пиш, оғзимга туш деб ўтирилади? Етакчининг ташаббускорлиги қани? Ана шундай жиддий бошқарув билрлашма кенгаши раиси фаолиятининг бир қирраси, ҳолос.




Тармоқ кенгаши аъзоларининг турмуш фаровонлигига ҳам кўмаклашишга бел боғлаганмиз, — таъкидлайди Н.Фозилов. — Кам таъминланган 138 нафар аъзоимизнинг 40 нафари парранда, шунингдек, 10 нафар касалманд, ишлаш имконияти йўқ киши-

хатгоҳларида, 151 киши «Устоз», 41 ходим А.Авлоний профилакторийларида дам олдирилган. Меҳнатқашлар фарзандларини дам олдиришга алоҳида эътибор қаратилган. Утган фурсат 1300 нафар болалар кундузи, 500 нафари эса доимий оромгоҳларда дам олдирилди. Кам таъминланган хонадонларнинг 34 нафар фарзанди касаба уюшмалари маблағидан фойдаланишди.

Н.ШАМСИЕВ, «Ishonch» муҳбири

— Инсон саломатлиги, унинг ҳаётини ҳеч нарса билан қийинлашмасин. Шунинг учун ишчи-хизматчини, у темирйўлнинг қайси соҳасида фаолият юритаётган бўлмасин, ундан энг аввало меҳнат жараёнида хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирларнинг амалга оширилиши қатъиян талаб этилади. Тармоқ битими, шунингдек, жамоат шартномасининг қатта бўлими айнан шу масалага бағишланган бўлиб, унинг жойларда қай тарикка бажарилгани мутахассислар томонидан ҳар доим текширилиб, муҳокама этиб келинмоқда.

Фалокат оёқ остига



Фалокат оёқ остига дейдилар. Бойвут пахта тозалаш корхонасида рўй берган ҳодиса жамоага қаттиқ таъсир этди. Корхонанинг 1-бригадаси аъзоси Шухрат Жўраев шу йилнинг 22 июл кўни туғни смеанада ишлаётганда ўнг қўли қаттиқ жароҳатланди. Ишчига тезда тиббий ёрдам кўрсатилиб, шифохонага жўнатилди.

Айни вақтда компания корхоналари меҳнат муҳофазаси бўйича зарур меъёрий ҳужжатлар билан тўлиқ таъминланган. Барча соҳалар бўйича касбий йўриқномалар ишлаб чиқилган. Меҳнат муҳофазаси хоналарига стендлар, машғулот ўтказиш учун тренажёрлар ва компютерлар қўйилган. Ишчиларнинг меҳнат шариоитларини яхшилаш учун ажратилган маблағ йилдан-йилга ошиб бормоқда. Компания микёсида йил бошидан хозирга қадар 3877 та иш жойлари шаходатланишдан ўтказилди. Натижанда, ноқулай шариоитда ишлаётган ишчиларга қулайликлар яратилди. Лекин шунга қарамай, айрим корхоналарда ҳамон бахтсиз ҳодисалар учраб турибди.

Уларнинг сабаблари ўрганиб чиқилганда, технологик жараёнларнинг бузилаётгани, айрим ҳолларда эса ишчиларнинг билим савиясини кўтаришга бағишланган техник машғулотларни ўтказишда юзаклиликка йўл қўйилаётгани ошкор бўлди.

Уларни бартараф этиш учун меҳнат муҳофазаси вакилларининг ишлари яхшилаш, ўз вақтида текширувлар ўтказиб туриш, касаба уюшма кўмитаси раисларининг ҳам ҳайъат аъзолари билан текширувларда қатнашишларини таъминлаш сингари бир қатор тақлифлар билдирилди.

Бугунги кунда ишлаб чиқаришда жароҳатланишларнинг олдини олиш учун иш шариоитларини меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя қилган ҳолда ташкил этиш, ишчиларга бу борада йўл-йўриқ беришни яхшилаш, тизимда жорий этилган меҳнат муҳофазаси бўйича йўлга қўйилган талон тизими назоратини кучайтириш ва албатта, иш жараёнида хавфсизлик техникасига амал қилган ҳолда иш бажариш талабларини кучайтириш корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳамда касаба уюшма кўмиталарининг энг устувор вазифаларидан бири бўлмоғи зарур.

Гайрат ҚОСИМОВ, Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг бош мутахассиси

Инсон азиз

Бахтсиз ҳодиса юзасидан текшириш ўтказиш учун вилоят меҳнат бош қарма-сининг буйруғи асосида махсус комиссия тузилди. Текширишда шу нарсалар маълум бўлдики, корхона ишлаб чиқариш бригадаси устаси Ш.Каримбердиев «Меҳнат муҳофазасини ташкил қилиш тўғрисидаги ус-лубий низоми»нинг талабларини бажармаган. Яъни, иш бевручи хавфсиз иш шариоитини яратмаган. Ходимларнинг ички меҳнат тартиби ва ишлаб чиқариш интизомига риоя этиб ишлаши назорат қилинмаган. Ишчи-сизматчилар меҳнат хавфсизлиги қоидаларидан бе-хабарлиги сабаб бахтсиз ҳодиса содир бўлган.

Анорбий НОРҚУЛОВ, «Ishonch»нинг жамоатчи муҳбири

2008 йил — Ёшлар йили

Президентимиз ташаббуси билан ёш авлодга узлуқсиз таълим бериш ва уни тарбиялаш жараёнини яхлит камраб оладиган ёгона таълим мажмуи ҳисобланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, шунингдек, узлуқсиз таълим тизимининг энг муҳим узвий бўлини — мактаб таълимини ривожлантиришнинг 2004—2009 йилларга мўлжалланган Давлат умумий миллий дастури ҳаётига изчил татбиқ этилмоқда. Айниқса, мактаб бошқарувини эркинлаштириш ҳамда таълим муассасалари инфратузилмасининг ривожлантиришининг самарали воситаларидан бири сифатида «Халқ таълими тизимидagi таълим муассасаларида Таълим кенгашларини тузиш масаласи долзарб аҳамият касб этди. Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туман халқ таълими бўлим мудири Норхўжа РАХИМЎЖАЕВ билан суҳбатини ана шу саволга жавоб олишдан бошланди.

— Хабарингиз бор, бундан уч йил муқаддам республика Халқ таълими вазирининг «Халқ таълими тизимидagi таълим муассасалари Васийлик кенгашлари тўғрисида»ги Низоми тасдиқлаш юзасидан махсус буйруғи эълон қилинган эди, — деди суҳбатдошимиз. — Мазкур Низоми кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиб, таълим муассасаларида ташкил этилган Васийлик кенгашларининг фаолиятини самарали йўлга қўйиш, мавжуд муаммоларни мактаб маъмурияти ва ўқитувчилар билан биргаликда ҳал этиш ва уни бошқаришда жамоатчилик ва ота-оналар ролини янада ошириш белгиланган. Шу жумладан, бюджетдан ташқари тушумлардан тартибли фойдаланиш режаси ишлаб чиқилган. Кенгаш раиси таълим муассасаси педагогика кенгаши аъзоси бўлиб, аъзолар таркибига эса барча синф ота-оналари номидан вакил қилинган ўқитувчи ва тарбиячилар, ҳомий ҳамда жамоат ташкилотларининг вакиллари киритилиши мумкин.

МАКТАБДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

носабатлар муҳитини яратишдир. Иккинчидан, маҳаллий, хорижий юридик ва жисмоний шахслардан тушган кредитлар, грантлар, ота-оналар, оталиқ ташкилотлари ҳамда ҳомийлик ёрдамларидан самарали ва аниқ мақсадли фойдаланишни назорат қилиш ва бюджетдан ташқари маблағлар топишининг шакллари жорий этиш юзасидан муассаса раҳбариятига тақлифлар бериш. Учинчидан, кенгаш педагогик жамоага ўқув-тарбия ишларини такомиллаштиришга кўмаклаша бориб, болалар билан турли оммавий тадбирларни ўтказишга таълим муассасаси маъмуриятига кўмаклашди. Тўртинчидан, муассасанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга мансуб ўқувчи ва тарбияланувчиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш. Бешинчидан, фан хоналарини замонавий кўرғазмалар ва техник воситалар билан жиҳозлаш, кутубхона жамғармасини бойитиш, таъмирлаш ва бошқа ҳужалик эҳтижларини қондиришда кўмаклашиш. Шунингдек, бюджетдан ташқари тушган маблағлар (пул, жиҳозлар, дарслик ва бошқа моддий бойлик)ларни ўз вақтида ҳисобга олиш, мақсадли тақсимлаш ва ишлатилишининг йўлга қўйилиши устидан изчил назорат қилиш лозим бўлади. Шу билан бирга, кенгаш таълим-тарбия олувчиларнинг тулақонли билим эгаллашлари учун тегишли шариоит яратишда, ўсиб келаётган авлод ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ри-

вожлантириш давлат сиёсати ва дастурларини амалга оширишда фаол қатнашилади. Агар Кенгаш билан мактаб раҳбарияти ўртасида баҳс ва келишмовчиликлар юзасида келса, уни туман (шаҳар) халқ таълими бўлими хал эъти беради. Бундан ташқари, Кенгаш раиси таълим муассасаси директоридан муассаса ҳисобига тушган бюджетдан ташқари маблағларнинг миқдори, улар-

нинг қай мақсадларда ишлатилгани ҳақида Кенгаш умумий йиғилишида ҳисобот беришини талаб қилишга ҳақлидир. — Мактабларда ташкил этилган синф, директор ва бошқа фондларга пул йиғимлари ҳақида нима дея ола-сиз? — Бу каби пуллик йиғимларнинг шакли ва тартиби Васийлик кенгаши томонидан ҳал

қилинади. — Баъзи-баъзида «Алифбе» ва бошқа байрамларни қаҳва-хонада ўтказар эканмиз», деган гаплар қулқоқча чалиниб қолади. — Аввало, «Алифбе» байрами «Билимлар кўни» дея номланиб, у мактаб муассасасидиёна ўтказилиши лозим. Мактаб маканини махсус тадбирлари мактабдан ташқари жойларда, шунингдек, ресторани ёки қаҳвахоналарда ўтказилиши қатъиян маън этилади.

— Туман мактабларидаги ўқиш ва ўқитиш кўрсаткичлари қандай? — Ҳар йили мактаблараро ўтказиладиган шаҳар ва республика фан олимпиадаларида туманнинг вакиллари юқори кўрсаткични қўлга киритади. Масалан, 29-мактабнинг биология ўқитувчиси Озода Мирқомиллова «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» мукофотига сазовор бўлиб, давлатимиз томонидан тажриба алмашиш учун Кореяга юборилди. Республика фан олимпиадаларида эса 249-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Умида Хусайнова ҳуқуқшунослик фани бўйича танловда биринчи ўринни эгаллади. Шаҳар бўйича ўтказилган фан олимпиадаларида ҳам 159-мактаб ўқувчилари Шавкат Латипов, Зебо Усмонова ҳуқуқшунослик ва тарих фанлари бўйича 2—3 ўринголиблари бўлишди. Режаларимиз кўп. Энг муҳими, улар қорозда қолиб кетмаслиги керак.

Суҳбатни Гули ҲОЖИБОЕВА ёзиб олди



Биродарлар билан бир даврада ўтиргандик. Шу пайт тўрда ёнбошлаб ётган йиғит гап коти.

— Гофур ака халиям ўша жойда ишлаптиларми? Ишга кирганларига ҳам 40 йилдан ошди-ёв. Бири икки бўлмади. Хайронман, ўша юриш, ўша туриш. Энди бола-чақаларнинг даврида дам олсалар ҳам бўларди.

Унинг гапига қотмагина Анвар ака кўшилди.

— Асли суриштириб келсангиз, бизга узокроқ қариндошлик томонлари ҳам бор. Нега йилдан буён айтаман. Қўйинг, шу ишингизни деб. Фақат кўл сийтайдилар. Кейин мен ҳам бу ҳақда оғиз очмай кўйдим. Таваба, олди-сотди уларга ёқмасмиш. Мана биз ҳам дипломли мутахассис бўла туриб, шу соҳага ўтиб кетдик-ку!

Шундан кейин даврадагилар бири олиб, бири кўйиб, Гофур аканинг ношудлиги-ю, ўз фойдасини билмаслигини роса «чайнашди».

Гофур акани мен яхши танийман. Шаҳар ховлида шундоққина ёнма-ён кўшни эдик. Содда, кўнглида кири йўқ. Бу томонлари отаси раҳматли Бурхон акага торганди чамаси. Биз болалар унинг ўйи рўпарасида футбол ўйнардик. Табиийки, уларнинг чорроққина эшиги «дарвоза» вазифасини ўтарди. Шундоқ бўлса-да бирор марта болаларга овозини баландлатиб гапирганини эслай олмайдим.

Гофур ака ҳам эсини танибдики, қайсидир бир қорхонада ишлайди. Турган-битгани хунар. Кимнингдир водопроводи жўмраги бузилса, яна аллақимнинг ойнаси синса ёки чироқ ўчиб қолса, ўша жойда Гофур ака баалогадир. Айрим ночорроқ хонадонлардан пул ҳам олмайд.

Унинг яна бир галати одати бор. Маҳалладаги хонадонларда бирон-бир тадбир бўлгудек бўлса, шунча зўрласангиз ҳам турга чиқмайди. Уздан ёш «хожи ака»лар маъруза қилаётганда ерга қадалганча суккута кетади. Бошида унинг турга чиқмаслиги кўпчиликка эриш туолди. Бора-бора ҳамма бунга кўникиб ҳам кетди.

Бир кун Гофур ака билан тўйда учрашиб қолиб, эски маҳаллада яшаган кўпчиликни эслашдик.

лаллик-да, ваҳоланки ўзимизнинг боғ ҳам уларникидан қолмасди. Аллақердан нарвон келтириб, деворга қўйдик ва сўридан осилиб ичкарига тушдик.

Олма дорисини, узумми пишиб ётибди. «Мехмондорчилик» билан андармон бўлиб қолибмиз. Бир вақт карасак, рўпарамиздан Бурхон махсум билан ўғли Гофур ака келишяпти. Бир зумда сўридан деворга чиқдик. Гофур ака биринчи бўлиб нарвондан тушди-да, ура қочди. Бах-

менга жон кирди. — Эшингиз ҳам бир жойга бориб қолди. Энди ишни тўхтаб, бу ёнма-ёнги энгилроқ иш... Гофур аканинг қошлари чимирилди. — Тушундим нима демоқчилигингни. Оғзига кучи етмаганлар гапини энди сен ҳам қайтарсанми? Лекин шуни билиб қўй. Авлодимизнинг барчаси, раҳматли отам ҳам хокилоп эмас, хокисор одамлар ўтишган. Кибр фақат Яратганга ярашади. Кейин бир нуктага тикилганча, аста кўшиб кўйдим. — Отам Бурхон махсум бир дунё инсон эдилар. Яхшигина илмлари ҳам бор бўлиб, уна-мунча кишини орқада қолдириб кетардилар. Узинг билгандек кўл кучи билан кун қўрардик. Қисқаси, кимларгадир ёқмаган феълим отамдан ўтган бўлса ажабмас!

Яхшиси, сenga бир воқеани айтиб берай. Ешгина бир йигит кеңаси дарвозамизни тақиллатиб келди. Отам чиқдилар ва тезда қайтиб кириб онам билан шивирлашдилар-да, кийиниб, шу кетганча бадар кетдилар. Ўша кун на онам, на мен ухладик. Отам келмади. Ахирги уч кун ўтгач, рангирўйи бир ҳолатда кўрдик у кишини. Кейин маълум бўлишича, ўша кун чиққан ён кўшимизнинг ўғли экан. Отаси Чимкентда бандаликни бажо келтиргани учун йиғлаб ёрдам сўраб чиққан, кейин отам уни олиб Чимкентга кетган эканлар. Марҳумни кўмиб, расм-русумларини ўтказиб қайтибдилар.

— Тарбия шундай бўлган, укам, — дея аста хўрсинди Гофур ака. — Вафот этишларидан олдин ҳам бирваларнинг ҳақини емасликни менга қайта-қайта уқтиргандилар.

Гофур аканинг гапларини тингларканман, негадир Анвар акага раҳим келиб кетди. — Тарбия шундай бўлган, укам, — дея аста хўрсинди Гофур ака. — Вафот этишларидан олдин ҳам бирваларнинг ҳақини емасликни менга қайта-қайта уқтиргандилар. Гофур аканинг гапларини тингларканман, негадир Анвар акага раҳим келиб кетди.

Алдам-қалдам билан яшаш осонми?



Маънавият сабоқлари

— Сен ҳам ёшлигингда яхшигина шўх эдинг. Эсингдами, ўртоғинг Гофур билан бизнинг боққа тушганларинг, — деди-да кўли юборди. — Ушундан қизиқ воқеа бўлганди. Бурхон махсумнинг ташқари ховлиси жаннатдек боғ эди. Икки ўртоқ келишиб, уларнинг боғига тушишга аҳд қилдик. Бо-

та қарши нарвон сурилиб кетиб, ёнбошига ағдарилди. Мен деворда турибман, денг. Сакрай десам майиб бўлишим аниқ. Шунда Бурхон махсумнинг ўзи дарахта чўкиб, мени девордан олди. Уришади деб қўрққанидан тилпирчилмаман. У эса кулади. Сал ўзимга келгач, дадамнинг исмини сўради. Унинг бу гапидан сўнг

солишга аҳд қилдим. — Гофур ака, бир гап айтсам, кўнглингизга келмайдими? — астагина сўрадим ундан. — У менга синовчан тикилди. — Сени укамдек қўраман. Қўлимизда катта бўлгансан. Емон гап айтмасан, — деб кўйдим. Унинг бу гапидан сўнг

менга жон кирди. — Эшингиз ҳам бир жойга бориб қолди. Энди ишни тўхтаб, бу ёнма-ёнги энгилроқ иш... Гофур аканинг қошлари чимирилди. — Тушундим нима демоқчилигингни. Оғзига кучи етмаганлар гапини энди сен ҳам қайтарсанми? Лекин шуни билиб қўй. Авлодимизнинг барчаси, раҳматли отам ҳам хокилоп эмас, хокисор одамлар ўтишган. Кибр фақат Яратганга ярашади. Кейин бир нуктага тикилганча, аста кўшиб кўйдим. — Отам Бурхон махсум бир дунё инсон эдилар. Яхшигина илмлари ҳам бор бўлиб, уна-мунча кишини орқада қолдириб кетардилар. Узинг билгандек кўл кучи билан кун қўрардик. Қисқаси, кимларгадир ёқмаган феълим отамдан ўтган бўлса ажабмас!

Яхшиси, сenga бир воқеани айтиб берай. Ешгина бир йигит кеңаси дарвозамизни тақиллатиб келди. Отам чиқдилар ва тезда қайтиб кириб онам билан шивирлашдилар-да, кийиниб, шу кетганча бадар кетдилар. Ўша кун на онам, на мен ухладик. Отам келмади. Ахирги уч кун ўтгач, рангирўйи бир ҳолатда кўрдик у кишини. Кейин маълум бўлишича, ўша кун чиққан ён кўшимизнинг ўғли экан. Отаси Чимкентда бандаликни бажо келтиргани учун йиғлаб ёрдам сўраб чиққан, кейин отам уни олиб Чимкентга кетган эканлар. Марҳумни кўмиб, расм-русумларини ўтказиб қайтибдилар.

— Тарбия шундай бўлган, укам, — дея аста хўрсинди Гофур ака. — Вафот этишларидан олдин ҳам бирваларнинг ҳақини емасликни менга қайта-қайта уқтиргандилар.

Гофур аканинг гапларини тингларканман, негадир Анвар акага раҳим келиб кетди. — Тарбия шундай бўлган, укам, — дея аста хўрсинди Гофур ака. — Вафот этишларидан олдин ҳам бирваларнинг ҳақини емасликни менга қайта-қайта уқтиргандилар. Гофур аканинг гапларини тингларканман, негадир Анвар акага раҳим келиб кетди.

Сп Орт Оламида

Кураш Хитой ҳам сафга қўшилди

Хабарингиз бор, бугунги кунда дунёнинг 102 та давлатида Кураш Халқаро Ассоциацияси (ИКА) тизимидаги кураш федерацияси фаолият кўрсатмоқда. ИКА Матбуот хизматининг хабар қилишича, федерациялар сони яқин кунларда яна ортиши кутилмоқда. Шу кунларда, Хитой Спорт вазирлигидаги бир гуруҳ ташаббускорлар Хитой кураш федерациясини ташкил этиш ишларини олиб бормоқда. Хозиргача ташаббускорлар федерациянинг барча ҳужжатларини хозирлаб қўйишди.

Футбол Вакилларимиз — чорак финалда

Пойтахтимизда ўсмирлар ўртасида давом этаётган Осиё чемпионати қизгин паллада ташкил этиладиган ушбу биринчиликда қитъамизнинг 16 мамлакатидан ташриф буюрган терма жамоалар тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда баҳс юритишмоқда. «А» гуруҳидан жой олган вакилларимиз гуруҳ ўйинларининг сўнги учрашувида баҳарлик тенгдошлари билан беллашишди. Рақиб дарвозасини аниқ нишонга олган икtidорли футболчиларимиз Бобур Абдурахмонов ва Оятullo Муҳиддиннинг голлари 2:0 ҳисобидаги галабани таъминлади. Шундай қилиб, вакилларимиз гуруҳда олти очко жамғариб, чорак финалга йўлланмани нақд қилиб қўйишди. Роберт Гай шоғирдлари энди 12 октябр кунини Жанубий корейлик тенгдошларига қарши майдонга тушади.

Баҳс 17:30да бошланади

22 октябр кунини МХСК стадионида «Аделаида Юнайтед» клубига қарши кеңадиган ОФК Чемпионлар лигаси ярим финалининг жавоб учрашуви соат 17:30да бошланадиган бўлди. Аслида учрашув 17:00га белгиланган эди. Бироқ айрим сабабларга кўра, Осиё футбол конфедерацияси «Бунёдкор» ва «Аделаида Юнайтед» жамоаларининг Тошкентдаги баҳсининг бошланиш вақтини 30 дақиқа ортда сурди. Австралияликларнинг пойтахтимизга 20 октябр кунини етиб келишлари кутилмоқда.

Рибери — Германияда тенгиз

Профессионал футболчилар «Бавария» клуби ва Франция терма жамоасининг ярим ҳимоячиси Франк Риберини йил якунлари буйича Германиядаги энг яхши футболчи деб тан олдилар. Мамлакат журналистлари ҳам худди шундай қарорга келдилар. Германия ўйинчилари иттифоқи махсус сўров ўтказди. Мазкур сўров натижасига кўра, 25 ёшли ярим ҳимоячи шундай шарафга лойиқ топилди. Мюнхеннинг «Бавария» жамоаси учун ўтказган илк мавсумида Рибери 28 учрашувда 11 гол муаллифига айланди ва якунда 37 фоиз овоз олди. Кейинги ўринларни «Бавария» ҳужумчиси Лука Тони ва «Вердер» плеймейкери Диего Эгалладилар.

Эътирофга лойиқ «Фарёд»

Шу кунларда Алишер Навоий номидаги кинотеатрда режиссёр Саид Мухторов Жаҳонгир Қосимов сценарийи асосида суратга олган «Фарёд» фильми намойиш этилмоқда. Кунда-кунора янги кинолар премера-си бўлаётгани боис, бу фильм ҳам шулардан бири-да дея, ўйлаган эдим. Аммо фильмин кўрган, «Фарёд» бутунлай бошқача асар эканлигига амин бўлдим. ...Ҳаётда турли тоифадаги инсонлар бор. Гўнлар қанча. Улар ҳам севади, бахтини кўтиб яшайди. Гўнг ота-онанинг оқила кизи ва бир обрўли хонадоннинг қомил фарзанди ўртасидаги сеvgи, томонлар ўртасидаги тафовут ва инсон қадри. Хуллас, фильм муаллифлари ана шу масала ечимини топишга интилишган. Томошабин фильмнинг бошидан охиригача нигоҳини экрандан уза олмайд.

Муносабат


Биз фильм якунда баъзи муҳлис-ларнинг фикрларини ёзиб олдик. Дилноза Мухамедова: — «Фарёд»нинг рекламасини кўриб, қизиқиб келгандим. Кино менга ёқди, «хаётда инсонларнинг гапи эмас, Аллоҳнинг айтилибди. Икки оғиз фильмнинг яратилиши тарихи ҳақида сўзлаб берсангиз... — Фильм гоёси Саид Мухторовга тегишли. Жаҳонгир Қосимов сценарий эди. Фильмин олишдан мақсадимиз — жамиятнинг, инсонларнинг бир-бирига бўлган муносабатини ўзгартириш. Биласиз, баъзан ногиронларга сал бошқача қарашга одатланганмиз. Айниқса, боғча ва мактабларда уларни камситиш ҳоллари учраб туради. Ваҳоланки, ногиронлар ҳам одам, уларда ҳам қалб бор, орзу бор. Давлатимиз томонидан ногиронларга ғамхўрлик кўрсатилаётганига гувоҳ

Бугунги ёшлар Ҳалоллик Гўзалликдир

Ёшлик нима, деган саволга мен шижоат, имконият, куч-қувват, келажак учун пойдевор яратиш, дея жавоб берган бўлур эдим.

Дарҳақиқат, келажак бугундан бошланади. Истиклолимиз яратиб берган имкониятлардан оқилона фойдаланиш зарур, холос. Хўш, замонамиз ёшлари вакилининг бу ҳақдаги фикри қандай? Гулистон Давлат университети иқтисодиёт факультетининг 4-босқич талабаси Дилшод Раҳмонов билан шу ҳақда суҳбатлашдик. — Дилшод, фанларни яхши ўзлаштиришдан ташқари, яқинда «Нур» студияси томонидан тасвирга олинган «Тақдир чархпалаги» фильмида иштирок этдингиз. Айтгинчи, тақдир чархпалагининг ўзи нима? — Инсон борки орзу-ният билан яшайди. Тақдир, тараққиёт омилли шу бўлса, ажаб эмас. Чунки орзу ва интилиш бўлмаган жойда тараққиёт ҳам тўхтайд.

Баъзида ҳаётимизни олдидан кўргандек бўламиз. Лекин тақдир чархпалаги ўз ҳужмини ўтказди. Кўп ҳолларда бунинг гувоҳига айланамиз-у, тақдирга тан бергимиз келмайди. «Тақдир чархпалаги» фильми мазмунини бунга яққол мисол бўла олади. — Кинода биринчи марта иштирок этдингиз, истеъдодингизни етарлича намойиш эта олдингизми? Дилшод бироз ўйлаб деди: — Менимча, ҳаммасини ҳам эмас. Лекин кўнлидан келганча ҳаракат қилдим. Баҳони эса томошабинлар беришади. — Демак, тақдир ҳам таъбир туришингиз керак, тўғрими? — (Кулади). Ҳа, энди кимга қанақа. Лекин ҳар бир фикр, у хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин, эътиборидан четда қолмайди. Чунки фикр билдириш учун ҳам кузатув керак бўлади-ку. Ахир камчиликларимизни ўзим сезмаслигим ҳам мумкин-да. — Кинога тушиш учун яна тақдирлар бўлаётганими? — Бўлапти, лекин талабалигим туфайли уларни баъзида рад этишга тўғри келаяпти. Алломалардан бири айтганидек, ёшликда олинган билим тошга битилган нақш қабибдур. Агарда хозир чуқур билим олмасам, кейин аттанг деб қолишим мумкин. Келажакда тенгдошларимдан ортда қолиб



Салвадор Дали



Масабур имамини

Advertisement for Ishonch newspaper, including contact information, subscription rates, and office details.